МАШИНАНИ СЕВИНГ, ҚАДРЛАНГ

Пахтачиликнинг тақдири кетмонга эмас, балки машинага боғлиқ эканлигини исбот қилишимизга тўғри келган вақтлар бўлган эди. Партиянинг йўли тўғрилигини турмуш исботлаб берди. Эндиликда комплекс механизацияга, машинага қаттиқ таянмай туриб, арзон пахта олиш асло мумкин эмас.

Н. С. ХРУШЧЕВ.





Пойтахтимиздаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларида иш қизғин. Ҳар куни ана шу заводларнинг конвейерларидан ўнлаб тракторлар, пахта териш машиналари ва пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун хизмат қилувчи прицеплар чиқиб турибди.

Суратларда: (чапдан) Тошкентдаги трактор-йиғув заводида ишлаб чиқарилган ва 60 мингинчи ҳисобига кирувчи ДТ тракторлари. Бу тракторлардан пахта ташиш, бороналаш ва пахта териш машиналарини ишлатишда фойдаланилади. (Ўнгда) «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган янги осма «ХТ-1,2» пахта териш машиналари.

М. Нуриддинов фотоси.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 167 (2885). | Сешанба, 25 август 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ ХРУШЧЕВГА

МОСКВА

Ўртоқ Тольяттини ажал чангалидан олиб қолмоқ учун совет олимлари ва врачлари томонидан қилинган ҳамма гамхўрлик ва ҳаракатлар учун Италия Компартияси Марказий Комитети номидан Сизга яна ташаккур билдирамиз. Унутилмас ўртоғимиз Тольяттига бугун Симферополда халқ, партия, Совет ҳукумати ва шахсан Сиз кўрсатган муҳаббат ва иззат-ҳурматни асло унутмаймиз.

Иотти-ТОЛЬЯТТИ, Луиджи ЛОНГО

ОТАШ ҚАЛБЛАР ЕНГ ШИМАРДИ

Мамлакатимиз ёш механизатор-пахтакорларининг бўлиб ўтган кенгаши бундан олдинги йиллардагидек ёшларимиз ҳаётида, совет пахтачилиги тарихида катта воқеа бўлди. Улар ғоят муҳим масалани муҳокама қилдилар ва барча ёшларга мурожаат қабул қилдилар. Кенгаш қатнашчиларини қадрдонимиз Н. С. Хрушчев табриклади ва уларга катта муваффақиятлар тилади. «Сиз, механизаторлар пахта ҳосилини қандай қилиб тезроқ, яхшироқ ва нобудгарчиликка йўл қўймай териб олишдек катта ва муҳим вазифани муҳокама қилиш учун тўпландингиз. Механизатор эса қишлоқда ҳал қилувчи киши, ҳосилнинг тақдири унинг меҳнатига ва маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ».

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бу сўзлари механизаторларимиз — дала хўжайинлари бўлган азамат йигит ва қизларимиз ишига берилган юксак баҳодир. Эндиликда қишлоқ хўжалиги тараққиётини қудратли машиналар, техника ва комплекс механизацияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Партия XXII съезди, Марказий Комитет пленумлари, айниқса декабрь ва февраль Пленумлари томонидан қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантириш, мамлакатда коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш ва бу билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдек ғоят муҳим, ҳаётий ва программ вазифаларни фақат шу йўл билан — комплекс механизациялаш ва интенсивлаш йўли билан муваффақиятли бажариш мумкин.

Партиямизнинг йўли тўғри йўл эканлигини турмуш исботлаб берди. Ҳамма жойда, ҳар бир ишда машина деҳқон ҳаётига янгилик, фаровонлик олиб келмоқда. Унинг оғирини енгил қилмоқда. Унга қанот бағишламоқда. Машинани севган, қадрлаган, механизатор билан дўст бўлган деҳқон ос меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил етиштирмоқда. Унинг етиштираётган пахтаси арзон, даромади эса баракали бўлмоқда.

Механизатор дала хўжайини. Механизатор қишлоқда ҳал қилувчи киши, ҳосилнинг тақдири унинг қўлида! Бу сўзларни эндиликда ҳар бир киши қувонч ва фахр билан, дадил ва баралла айтмоқда. Экишдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган деярли ҳамма ишларни машина ва уни бошқараётган мард механизаторлар бажармоқда. Битта машина юз ва ундан ҳам кўпроқ кишининг оғирини енгил қилиб, бир деҳқоннинг икки-уч ҳафтадаги ишини бир кунда бажаради. Уни қадрланг, севинг. Турсуной, Валентин, Жаводлар ана шу машиналар туфайли шон ва шуҳрат қозониб, катта-катта майдонларда пахтадан мўл ва арзон ҳосил етиштирмоқдалар, бункер-бункер пахта термоқдалар.

Комплекс механизацияланган звенолар учун! Область партия ташкилоти, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу жанговар шиорни баланд кўтардилар. Фақат шу йўл — комплекс механизациялашган звеноларни кўпайтириш йўли билангина пахтачилик, дон хўжалиги, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча соҳаларини интенсив ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва мўл ҳосил етиштириш таъминланади. Областимиздаги жуда кўп колхоз ва совхозларда тузилган бундай звенолар биринчи йилиёқ ажойиб муваффақиятга эришдилар. Улар етиштирган ҳосил бошқалардан арзон, мўл бўлди. Звено аъзолари ҳар йилгидан кўп даромад олдилар. Ҳамма ерда ана шундай звенолар ташкил этилишига, барча деҳқончилик ишларини комплекс механизациялашга эришиш — ғоят муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Далаларимиз жамолига кун сайин ўзгача файз — барака киряпти. Деҳқонларимизнинг бутун йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнатларининг самараси кўринди қолди. Яхши парвариш қилинган ғўзалар олтин дурдоналарини кўз-кўз қилмоқда. «Оқ олтин» герими бошланиб кетадиган кунлар яқин. Шунинг учун ғўза парваришини давом эттириш билан бирга пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўриш керак. «Зангори кема»лар, уларнинг капитанлари шу кечаю-кундузда шай бўлсин. Оққўрғонликлар ўтган йилгидек бу йил ҳам улкан хирмон кўтаришга яхши тайёргарлик кўрмоқдалар. Лекин Янгийўлда ва бошқа баъзи бошқармаларда машина теримига тайёргарлик кўнгилдагидек эмас.

Бу йил областимиз бўйича 150 минг тонна пахта машиналарда терилиши керак. Механизатор ўртоқлар, бу ғоят катта ва масъулиятли ишнинг муваффақияти сизларга, сизларнинг маҳоратларингизга боғлиқ. Ўртоқ Н. С. Хрушчев айтганидек, сиз азиз дўстларга меҳнатда катта муваффақиятлар тилашга ва пахтани машинада териш соҳасида олдингизга турган масъулиятли вазифаларни шараф билан бажармоқ учун ҳамма чораларни кўрасизлар, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Ёш пахтакор-механизаторлар Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга юборган хатларида бундай дейдилар:

Биз, ёш пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказьедаги барча комсомоллар ва ҳамма ёшлар номидан Коммунистик партия Марказий Комитетини, қадрдон Никита Сергеевич, шахсан Сизни ишонтириб айтамизки, ёшлар партия билан халқнинг умидлари ва юксак ишончини оқлайдилар, КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб оладилар, коммунизм қурилиши ишига ўзларининг бутун куч-қувватларини, билимларини сарфлайдилар, ёш қалбларининг бутун ҳароратини бағишлайдилар!

Ёш пахтакор — механизаторларнинг оташин ватанпарварлик ташаббусини кенг қанот ёйдирайлик. Меҳнатда шижоат, мардлик ва маҳорат кўрсатиб, жонажон партиямиз, халқимиз, пахтакорларнинг энг қадрли дўсти ва ғамхўри ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг юксак ишончини оқлаш учун курашайлик!

ТЎЙГА ТЎЁНАЛАР ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

„ЎЗБЕКИСТОН 40 ЙИЛЛИГИ“ КОЛХОЗИ САБЗАВОТЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Уфқ билан ўпишиб кетган сабзавот пайкалига етиб борганимизда қуёш эндигина тог ортидан мўралай бошлаган эди. Кун эрта бўлишига қарамай, помидор пайкалида иш қизғин, йигит-қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар ҳар донаси бир-бир ярим қадоқ келадиган қипқизил помидорларни илдам териб, яшикларга жойлашяпти.

— Саид Исаев бошчилик қилаётган 11-бригаданинг сабзавот пайкаллари шу ердан бошланади, — дейди ҳамроҳимиз. «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг бош агрономи ўртоқ Исмат Асалов.—120 гектар майдонда деҳқончилик қиляпти.

Помидор тупларида ҳосил ғуж-ғуж. Ҳаммаси сарҳил, дона-дона. Уч гектар майдонга экилган «Юсупов» навли помидор мўл ҳосил тугипти. Опа-сингил Дилором ва Баҳри Тўлагановалар ғайрат билан помидор теришяпти. Сабура Мансурова ҳам улардан қолишмай, яшикларни пешма-пеш ҳосилга тўлдириб турибди.

— Кунига тўрт-беш тоннадан помидор териб топширяпмиз, — дейди бригада бошлиғи Саид Исаев. — мавжуд помидор майдонидан ҳозиргача 50 тоннадан зиёд ҳосил териб олдик.

Бригадада бодринг, картошка ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Бодрингнинг ҳар гектаридан 24 тоннага етказиб ҳосил топширилди. Терим эса ҳамон жадал боряпти.

Шу кунги колхозчиларнинг 5, 7, 8-бригадаларида ҳам бўлдик. Ҳамма ерда колхозчилар кўтаринки руҳ, ғайрат-шижоат билан ишлаяпти. 7-бригаданинг Собир ота Олимов бошлиқ звеноси аъзоларининг қўлга киритаётган ютуқлар айниқса қувончли бўляпти. Звено эртаги сабзавотлар ҳосили планини 200 процентга етказиб бажарди. Картошканинг ҳар гектаридан 18 тоннадан, сабзининг ҳар гектаридан 20 тоннадан, помидорнинг ҳар гектаридан 25,5 тоннадан ҳосил олинди. Далаларда ҳали ҳосил сероб.

Колхознинг 8-бригадасига ёш коммунист Маҳкам Исаев раҳбарлик қилмоқда. Бригада 62 гектар майдондаги экинлардан мўл ҳосил етиштиряпти. Пиёздан 25 тонна, карамдан 44 тонна, картошкадан 15 тоннага етказиб хирмон кўтарилди.

Колхоз миришкорлари қўлга киритаётган ютуқларнинг боиси шундаки, улар минерал ўғитлардан самарали фойдаланишни ўрганиб олишган. Сабзавотларни парвариш қилишда, ҳосилни йиғиб олишда механизациядан самарали фойдаланилмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсив суратда ривожлантиришда бир ердан икки ҳосил олиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йил фақат сабзавотнинг ўзидан 50 гектардан зиёд майдонда икки марта ҳосил ундирилаяпти.

Сўнгги икки-уч йил ичида сабзавот ҳосилдорлиги 1,2—1,5 марта ошди. Ҳар центнер сабзавот етиштириш учун сарфланган меҳнат ва маблағ харажатлари 7,3 сўмдан 4,9 сўмгача туширилди. Халқимизга йил сайин мўл ва арзон сабзавот етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли 40 йиллиги шарафига меҳнат мусобақасини авж олдирган колхоз азаматлари давлатга сабзавот сотиш йиллик планини куни кеча ошириб адо этиб, Ватанга ғалаба рапорти бердилар, тайёрлов пунктларига 1700 тонна ўрнига 1717 тонна сифатли сабзавот маҳсулотлари жўнатилди. Пиёз, бодринг, карам, помидор сотиш йиллик планлари 110—136 процентга етказиб ado этилди.

— Сабзавот сотиш йиллик планимизни бажардик, — дейди колхоз раиси ўртоқ Т. Мирзаев. — Аммо эришилган кўрсаткич марра бўлиб қолмайди. Йиғим-теримни кучайтириб, тайёрлов пунктларига кунда 70— 100 тоннагача маҳсулот етказиб беришни таъминлаймиз.

Шу кунларда хўжаликда етилган ҳосилни йиғиб-териб олиш билан бир вақтда кечки экинларга ишлов бериш ҳам жадал бормоқда. Пилла, ғалла, ғўшт, сабзавот сотиш йиллик планларини муддатидан илгари бажариб, ғалаба рапорти берган аҳдига вифодорлар ҳозирги ғаниматт кунларнинг ҳар бир мроатидан самарали фойдаланиб, янада унумли меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг кучғайратлари яна 521 тонна сабзавот етказиб беришга қаратилган.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

Калинин бошқармаси.

ПЕШҚАДАМ КОРХОНА

Республикамиз саноат корхоналари электр қувватини тежаш бўйича мусобақа бошлаганларида Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи биринчилар қаторида бу чақириққа қўшилган эди. Корхонада қисқа вақт ичида П-66-5М2, ПУ-66-5М2 йигирув машиналари, ЧММ-450-М тараш машинаси, РТ-192-2М, РТП-192-2М пилталаш машиналари ва бошқа бир қатор унумли агрегатлар ўрнатилиб ишга туширилди. Тўқимачилар механизмлардан кенг фойдаланиш билан бир қаторда уларга сарф бўладиган электр қувватини тежаш борасида ҳам каттагина ишларни амалга оширдилар. Биргина тўқув фабрикасида 5 мингдан ортиқ кундузги чироқларни автоматик равишда ёндирувчи ва ўчирувчи мосламалар ўрнатилган.

Комбинатдаги партия-давлат контроли комитетига қўмаклашувчи группа, «Комсомол прожектори» ва бошқа жонқуярлар электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланишга кўз-қулоқ бўлиб турдилар. Рационализатор ва ихтирочилар агрегатлар қисмларини қайтадан созлаб улар ҳаракатини тезлаштирдилар, унумини оширдилар. Бу эса ўз навбатида электр энергиясидан кам фойдаланиб, кўп маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

Тўқимачилар айниқса 1964 йилнинг иккинчи кварталида электр қуввати коэффициентини ошириш бўйича энг яхши натижаларга эришганликлари учун Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар.

Р. ИБРОҲИМОВ.

ЯНА БИР ЯНГИ МАКТАБ

Пойтахтимизнинг Карл Маркс массивида тўрт қаватли кўркам бино қад кўтарди. Бу янги ўрта мактаб биносидир.

Тошкентдаги 159-қурилиш трести 9-бошқармасининг бинокорлари қурилишни муддатидан илгари тугаллаш учун ғайрат қилиб ишламоқдалар.

С. Пулюдес бошчилигидаги бинокорлар мактаб томини ёпиб, пардозлаш ишларини бошлаб юбордилар. Шокиржон Эминов, Рихсибой Зоидов, Сергей Чулков, Дмитрий Цетонедис, Мария Адюкина каби бинокорлар айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳозир жиҳозлаш ва пардозлаш ишлари битай деб қолди.

М. АЗАМАТОВ.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

ҒАЗАЛКЕНТ. Пирик панелли уйсозлик заводи коллективи республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйига ажойиб совға билан келишга аҳд қилди. Бу улуғ айёмгача коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли номни олишга эришишмоқчи. Шу кунларда Р. Қанағатов, Г. Фасть, Ў. Каттахўжаев ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари кунлик топшириқларини 180—190 процентдан ado этиб коллектив ҳурматини қозонмоқдалар.

К. ИСМАНОВ.

* * *

ТОШКЕНТ. Қоғоз комбинати меҳнатсеварлари ўтган ярим йилликда планин ортиғи билан адо этиб, катта ғалабани қўлга киритишган эди. Шу давр ичида планга қўшимча равишда 137 минг квадратметр газета қоғози, 267 тонна картон ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилди.

Қутичалар цехи коллективи эришган ғалаба айниқса катта бўлди. Цех азаматлари ярим йил ичида планга қўшимча равишда 140 минг комплектдан кўпроқ пойафзал қутичалари ишлаб чиқардилар.

Шу кунларда корхонада янги-янги агрегатлар монтаж қилинмоқда. Улар ишга тушгач, корхона қуввати яна ҳам ошади. П. Федотов, Ю. Яковлев ўртоқлар монтаж қилаётган машиналар яқин кунлар ичида синовга тахт бўлади.

Т. НАЖМИЙ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

РЕМОНТЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Дизель цехи. Меҳнат авжида. Цех ўртасида қаторлашиб турган «ТЭ-3» тепловозларининг атрофида ремонтчилар, куйманиб, юришади. Бу ер Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводининг юраги ҳисобланади.

Ремонтчилар ҳар ойда 35-37 тагача тепловозни қўлдан чиқариб, ойлик планни орттириб бажаришни одат қилишган. Бу цех тепловоз дизелини ремонт қилувчи ўрта Осиёда ягона узелдир. Цех меҳнаткашлари етти ойлик планни 110 процент қилиб бажардилар. Бу ғалабани қўлга киритишда дизель ремонтчиси ўртоқ Х. Едгоров бошлиқ бригада аъзолари айниқса ғайрат кўрсатишди. Ўртоқ П. Тешаев раҳбарлигидаги бригада эса ойлик планни 135 процент қилиб бажарди.

Июль ойининг ўзида 37 тепловоз ремонтдан чиқарилди. Дизелчилар ҳар бир ишни сифатли бажаришга ҳаракат қиладилар. М. Нурмўҳамедов, В. Холодин ўртоқлар каби слесарлар, гайка бураш машинасининг бошқарувчиси Г. Нурневлар кундалик нормани 120 процентга етказиб адо этишяпти. Ремонтчилар коллективи август ойининг биринчи ярмидаёқ 18 та дизелни ремонтдан чиқардилар. Шундай қилиб улар республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун курашяптилар.

О. ҒАФУРОВ.

ЭГИЗАК ЙЎЛДОШЛАР ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1964 йил 22 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдошлари «Космос-41», «Космос-42» ва «Космос-43» учирилди.

«Космос-42» ва «Космос-43» йўлдошлари бир учирувчи ракета билан учирилди.

1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, бу йўлдошларда космик фазони тадқиқ қилишни давом эттирмоқ учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган эди.

«Космос-41» йўлдоши чиқарилган орбитанинг параметрлари қуйидагича:

— Ер атрофини дастлабки айланиб чиқиш даври 11 соат 55 минут.

— Ер юзасидан энг узоқлашган масофаси (апогейи) 39.855 километр.

— Ер юзасига энг яқин масофаси (перигейи) 394 километр

— орбитанинг экватор сатҳига оғиш бурчаги 64 градус.

«Космос-42» ва «Космос-43» йўлдошлари чиқарилган орбитанинг дастлабки параметрлари қуйидагича:

— Ер атрофини айланиб чиқиш даври 97,8 минут.

— Ер юзасидан энг узоқлашган масофаси (апогейи 1.099) километр.

— энг яқин масофаси (перигейи) 232 километр.

— орбитасининг экватор сатҳига оғиш бурчаги 49 градус.

Олинган ўлчов маълумотларини анализ қилиш йўлдошларда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаётганлигини кўрсатиб турибди.

Координация-ҳисоблаш маркази олиняётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ қуйидаги оналарга ўн ва ундан кўп бола туғиб, тарбиялаб ўстиргганликлари учун **«Қаҳрамон она»** фахрий унвони берилди ва улар **«Қаҳрамон она»** ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари билан мукофотландилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Абдужалилова Мубор — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Абдуллаева Зуҳра — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Ойтўраева Мухтабар — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Олматова Ҳанифа—рўзғор ишидаги аёл, Юқори Чирчиқ районидаги Паркент қишлоғи.

Анварова Зулфия—рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районидаги Оққўрғон қишлоғи.

Белякова Вера Александровна — 2-совхоз ишчиси, Оққўрғон райони.

Борова Сайҳуар — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Валиева Карима — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Дусейбоева Мария — рўзғор ишидаги аёл, Калинин райони.

Эралиева Турди — рўзғор ишидаги аёл, Юқори Чирчиқ районидаги Янгибозор қишлоғи.

Икромова Мукаррам — рўзғор ишидаги аёл, Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз посёлкаси.

Иногомова Асад — рўзғор ишидаги аёл, Бўка районидаги Рамадон қишлоғи.

Қобилова Қутби—рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Каримова Ҳайри — Ленин номли колхоз аъзоси, Янгийўл райони.

Маҳамадкаримова Нури — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Моренцова Конкордия Васильевна — рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районидаги 2«Оққўрғон» совхози посёлкаси.

Муҳамедова Назира — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Нишонова Улар — рўзғор ишидаги аёл, Ўрта Чирчиқ районидаги Облиқ қишлоғи.

Пўлатова Раҳима —рўзғор ишидаги аёл, Ўрта Чирчиқ районидаги Бектемир шаҳар посёлкаси.

Раимова Марям — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Раҳимова Сахида — Куйбишев номли колхоз аъзоси, Оққўрғон райони.

Савурова Ойша — рўзғор ишидаги аёл, Ўрта Чирчиқ районидаги Қорасув қишлоғи.

Саъдиева Умри — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Саидназарова Розия — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Солихова Моҳи — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Тилхозиева Варон — рўзғор ишидаги аёл, Юқори Чирчиқ районидаги Искандар шаҳар посёлкаси.

Тян Ольга — рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Оржоникидзе шаҳар посёлкаси.

Ҳайдарова Анор— рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Ҳамидова Муҳтабар — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Ҳасанова Ирсол —рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районидаги Солдатское қишлоғи.

Шомаҳмудова Муҳаррам — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Шобазова Анор — рўзғор ишидаги аёл, Юқори Чирчиқ районидаги Чанғи қишлоғи.

Йўлдошева Маҳбуба — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳри.

Юсупова Азима — рўзғор ишидаги аёл, Калинин райони.

КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШНИНГ АСОСИЙ МАЙДОНИ

СССР Олий Совети IV сессиясининг колхозчиларга пенсия ва нафақалар бериш тўғрисидаги ва халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ҳамда аҳолига бевосита хизмат кўрсатадиган бошқа соҳалар ходимлари иш ҳақини ошириш тўғрисидаги қарорлари мамлакатимизда жуда катта севинч-қувонча сабаб бўлди. Бу қарорлар мамлакатимиз ташқарисида ҳам эўр шарҳларга сабаб бўлди. Совет кишилари бу қарорларни Ватанимизнинг хўжалик соҳасида эришган муваффақиятлари билан қонуний равишда фахрланиш, халқ бахти-саодати тўғрисида доимий ғамхўрликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чуқур садоқат ҳисси билан қутиб олдилар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бу янги тадбирлар бутун дунёда дўстларимизнинг ҳам, душманларимизнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига тортди. Бу тадбирлар Совет Иттифоқи иқтисодий тараққиётининг яна бир ёрқин исботи, социалистик жамиятда экономиканинг гуллаб-яшнаши бутунлай халқ манфаатларига хизмат қилишининг ишончли далили сифатида баҳоланмоқда.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН УЛУҒ МАҚСАДЛАР САРИ

КАПИТАЛИСТИК тузум ҳимоячилари, антикоммунизм тарғиботчилари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳаётини бузиб кўрсатишга озмунча куч сарф қилаётганлари йўқ. Улар гўё социализм инсон шахсини эзиб ташлайди, кишиларни хўжалик жараёнининг оддий қуролига айлантириб қўяди, деган ўйдирмаларга ёпишиб олганлар. Лекин реал воқелик бундай туҳматларни ҳар қадамда чиппакка чиқармоқда. Социалистик тузум ҳамма фидокор меҳнаткашлар учун ўз қобилиятлари ва талантларини ривожлантириш учун кенг имкониятларни таъминлаётгани, шу билан бирга борган сари яхши яшаш, моддий ва маънавий эҳтиёжларни борган сари тўлароқ қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратаётганини миллион-миллион кишилар ўз кўзлари билан кўриб турибдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети IV сессиясида қилган доклади «КПСС Программасини халқ фаровонлигини ошириш соҳасида бажариш тадбирлари тўғрисида» деб аталди. Сессиянинг бу масала юзасидан қабул қилган қарорлари Коммунистик партиянинг сўзи билан иши бир эканлигини исботловчи ёрқин далилдир. Партия совет халқини илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган коммунизм қуришнинг буюк программаси билан қуроллантирди ва уни изчиллик билан амалга оширмоқда.

Коммунизм қурилишини кенг авж олдириш программаси халқ хўжалигимизни капиталистик мамлакатлар экономикасига қараганда таққослаб бўлмайдиган даражада тез суръатлар билан тўхтовсиз ривожлантиришни кўзда тутади. Фақат мана шу асосдагина буюк Ленин васият қилиб қолдирган вазифани — энг тараққий этган капиталистик мамлакатлар экономикасига етиб олиш ва сўнгра ундан ҳам ўзиб кетиш вазифасини муваффақиятли бажариш мумкин. Бу вазифани совет халқи шараф билан адо этаётир. Сўнгги олти йил — 1958-1963 йиллар мобайнида СССР саноати маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиши 9,7 процентни, АҚШ да эса бу ўсиш 3,6 процентни ташкил этди. Шунинг натижасида саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича совет экономикаси билан Америка экономикаси ўртасидаги фарқ анча камайди. СССР саноат маҳсулотининг ҳажми бундан ўн йил муқаддам АҚШ маҳсулотига нисбатан атиги 33 процентни ташкил этган бўлса, 1957 йилда 47 процентга, 1963 йилда эса қариб 65 процентга етди. Шундай қилиб, орадаги фарқ ўн йил ичида икки марта камайди. Ленин томонидан қўйилган иқтисодий вазифа яқин келажакда шараф билан бажарилади.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг хўжалик соҳасидаги муваффақиятлари бутун дунёдаги миллионлаб кишиларнинг қалбига қувонч бахш этмоқда. Социалистик мамлакатлар ўз иқтисодий ғалабалари билан жаҳон майдонида социализм билан капитализм ўртасидаги кучлар нисбатини мунтазам равишда ўз фойдаларига ўзгартирмоқдалар, тинчлик ишини мустаҳкамламоқдалар. Қирғин термоядро уруши хавфини туғдираётган империализмнинг реакцион кучларини жиловлаб қўйиш имкониятини яратмоқдалар, иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатлар халқларига қашшоқлик ва техника-иқтисодий қолоқликни тугатишнинг тўғри ва синалган йўлини кўрсатиб бермоқдалар.

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ УЧУН

СОЦИАЛИСТИК тузумнинг халқ меҳнати меваларининг ҳаммасини халқнинг ўзига беришдек ажойиб хусусияти социалистик ғояларнинг жозиба кучини янада оширади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши капиталистик мамлакатларда ҳам содир бўлади. Лекин фақат социалистик жамиятдагина ишлаб чиқаришнинг ўсиши тўғридан-тўғри ва бевосита халқ турмуш даражасининг ошишига олиб келади.

Партия ва ҳукуматимизнинг биз юқорида тилга олган тадбирлари халқ бахт-саодати йўлида қилинаётган ғамхўрликнинг янги ажойиб босқичидир. Биринчи марта бизнинг улкан давлатимиз масштабида колхозчиларни пенсия билан таъминлашнинг ягона системасини яратиш вазифаси қўйилди, буржуа тузуми шароитида бунга ўхшаш вазифа ақлга сиғмайдиган ишдир. Бу тузумда деҳқонлар майда хусусий мулкчилар синфи ҳисобланади. Уларни помешчиклар, саноатчилар, савдо ва банка монополиялари эксплуатация ва ҳонавайрон қиладилар. Ўзларининг бир парча ҳолати-раҳм ерларида эрта саҳардан қора кечгача меҳнат қиладиган майда деҳқонлар қариганларида ёки меҳнат қобилиятларини йўқотганларида давлатнинг ҳеч қандай ёрдамига умид боғлай олмайдилар.

Коммунизм қурилишининг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган бошқа бир тадбир ҳам, яъни халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда аҳолига бевосита хизмат кўрсатадиган бошқа соҳаларда ишловчи 18 миллиондан иборат ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини анчагина ошириш ҳам катта принципиал аҳамиятга эгадир. Капиталистик жамиятда меҳнатнинг бу сфералари ҳам моддий ишлаб чиқаришга ўхшаб эксплуатация майдони ҳисобланади. Капиталистлар фабрикаларда, шахталарда, заводларда ишчиларни қандай эксплуатация қилсалар, мактаб ўқитувчиларини, медицина ҳаҳматкашларини, савдо хизматчиларини ҳам шундай эксплуатация қиладилар. Кўпгина ҳолларда хизмат кўрсатиш сферасидаги меҳнаткашлар индустриал ишчиларга қараганда шафқатсиз эксплуатацияга кўпроқ дучор бўладилар. Чунки улар қамроқ жипслашган бўлиб, эксплуататорларга бирмунча кучсиз қаршилик кўрсатадилар. Фақат социалистик жамиятдагина давлат меҳнаткаш аҳолининг ҳамма отрядлари тўғрисида оталарча ғамхўрлик қила олади.

Социалистик тузумда ишлаб чиқариш бир ҳовуч кишиларнинг бойиши учун эмас, балки

В. ЛЕОНТЬЕВ,

СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси

□ □ □

халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш манфаатига хизмат қилади. Бу тузумнинг ана шу афзаллиги социализм душманларининг кўзини очирмаётир. Буржуазия адвокатлари воқеликни бузиб кўрсатиб, ишлаб чиқаришнинг ўсиши капитализм шароитида ҳам гўё халқ фаровонлигининг ошишига хизмат қилади деб исбот этишга уринмоқдалар. Аммо бу ёлғонни ҳаёт ҳар қадамда фош этаётир.

Ишчилар ҳаракатининг илк даврида ҳали пролетариат ичида олтин қоп ҳимоячиларининг ўйдирмаларига ишонувчи соддадил арбоблар бор эди. Улар ишчилар иш ҳақини ошириш учун кураш ишлари керак эмас, чунки бу уларнинг аҳволини яхшиламайди, фақат ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиши билангина ишчилар ўз фаровонлигини ошириши мумкин, деб исботламоқчи бўлдилар.

Бундан 100 йил муқаддам Марксниг замондошларидан бири инглиз ишчиси Жон Уэстон I Интернационалнинг Бош советида сўзга чиқиб ана шундай қарашларни ҳимоя қилган эди. У мана бундай мулоҳаза юритган эди: Косада муайян миқдордаги кишилар учун мўлжалланган муайян миқдорда шўрва бор дейлик, лекин қошиқнинг ҳажми катталашгани алоҳида-алоҳида кишиларга тегадиган шўрва миқдорининг кўпайишига олиб келмайди. Маркс I Интернационалнинг Бош совети мажлисида 1865 йилда иш ҳақи, баҳо ва фойда тўғрисида қилган докладида бу фикрнинг хато эканлигини кўрсатиб берди. Уэстон, деб кўрсатди Маркс, ишчилар овқатланадиган коса миллий меҳнатнинг ҳамма маҳсулоти билан тўлганлигини ва бу маҳсулотдан кўпроқ олишга коса ҳажмининг кичиклиги ҳамда ундаги емушнинг озгиналиги эмас, балки фақат улар қўлидаги қошиқнинг кичиклиги сабаб бўлаётганлигини эсидан чиқариб қўйибди. Шунинг натижасида халқ меҳнати меваларининг жуда катта қисмини капиталист эксплуататорлар тортиб олмоқдалар.

Социализм шароитида кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши ва эксплуатацияни туғдирадиган ҳамма шарт-шароитларнинг тугатилиши натижасида вазият бутунлай ўзгарди. Косадаги емушнинг ҳаммаси — халқ меҳнатининг меваси халққа ва фақат халққа тегишли бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам социалистик жамиятда халқ моддий фаровонлигининг тўхтовсиз ўсишига ҳеч қандай ижтимоий тўсқинлик бўлмайди. Бундай ўсишнинг реал имкониятлари фақат бир нарса билангина, яъни ҳар бир муайян босқичда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг эришган ҳажми, меҳнат унумдорлигининг даражаси билан чегаралангандир.

Ҳар бир онгли кишига шу нарса яхши маълумки, ишлаб чиқарилган нарсанигина тақсимлаш ва истеъмол қилиш мумкин. Халқ меҳнати ва унинг маҳсулотининг бир луқмаси ҳам эксплуататор синфлар қўлига тушмайдиган социалистик жамиятда ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бирга, халқнинг турмуш даражаси ҳам тўхтовсиз ошиб боради. Аммо бу ўринда меҳнат унумдорлиги иш ҳақи ва аҳоли даромадларига нисбатан тезроқ ўсиши керак бўлади. Фақат ана шундай шароитдагина жамият ишлаб чиқариш аппаратини кенгайтириш учун зарур ресурсларга эга бўлади. Бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодий қудратини тўхтовсиз ўстириш ва халқ моддий фаровонлигини янада юксалтиришга олиб келади.

Коммунизмнинг олижаноб ғояларини амалга ошириш учун қудратли ишлаб чиқариш асоси зарур. Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган бутун давр мобайнида партия ва халқнинг асосий иқтисодий вазифаси ҳисобланади.

Агар коммунизм моддий-техника базасини яратиш ҳали мисли кўрилмаган мўл-кўлчилик истиқболини очиб берса, халқ моддий фаровонлигини ошириш эса ўз навбатида ана шу базани яратишни тезлаштиришда қудратли восита бўлиб хизмат қилади. **«Халқнинг моддий таъминотини ошириш,** — деди Н. С. Хрушчев СССР Олий Советининг IV сессиясида қилган докладида, — **аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, унинг маълумотини ва маданиятини ошириш, меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини кўтармоқ, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантирмоқ, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтирмоқ учун шарт-шароит яратиб беради».**

Социализм меҳнат унумдорлигини оширишнинг капитализмда хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган стимулларини яратади. Бу бир томондан маънавий стимул бўлиб, бутун мамлакатнинг ягона хўжайини халқдир ва у ўз меҳнати мевасининг ҳаммасига эгалик қилади. Буни ҳис этиш меҳнаткашларда ишлаб чиқаришга нисбатан юксак масъулият ҳиссини туғдиради, уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари тўғрисида қайғуришга, унинг ривожланишини тезлаштиришга ундайди. Иккинчи томондан бу моддий стимул бўлиб, у меҳнатга қараб социалистик принцип асосида тақсимлашдан келиб чиқади. Ана шу маънавий ва моддий стимулларнинг гармоник уйғунлиги коммунизм экономикасини яратишда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

ИНСОН—ЖАМИЯТ УЧУН, ЖАМИЯТ—ИНСОН УЧУН

МЕҲНАТГА қараб тақсимлашнинг социалистик принципи коммунизмнинг бутун биринчи фазаси давомида ҳаракат қилувчи энг адолатли тақсимлаш принципидир. Ҳар бир меҳнаткаш яхши биладики, кишн ўз меҳнати билан жамиятга қанчалик кўп фойда етказса, бу жамиятдан ҳам шунчалик кўп нарса олади. Текисчилик бу яхши ходимларнинг қонуний ҳуқуқларини номуносиб равишда камситиш, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётганларга адолатсиз муносабатда бўлиш демакдир. Шунга биноан колхозчиларни пенсия билан таъминлаш системасида ҳам ким кўп ва яхши меҳнат қилса, ўша кўпроқ пенсия пули олиш ҳуқуқига эга бўлади, деган қоидага риоя қилинади. Халқ маорифи, медицина ва аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа соҳаларда ишловчи ходимларнинг иш ҳақини оширишда ҳам меҳнатнинг миқдори ва сифати ҳисобга олинади. Масалан, катта иш стажига эга бўлган ходимлар анчагина юқори иш ҳақи оладилар.

Социалистик жамиятда меҳнаткашлар моддий фаровонлигини оширишнинг йўли фақатгина шахсий даромадни кўпайтиришдагина эмас. Шу билан бирга ижтимоий истеъмол фондларини кенгайтириш ҳам моддий фаровонликни оширишга хизмат қилади. Аҳоли давлат ҳисобига бўладиган бепул ўқиш, медицина хизмати, пенсия ва нафақалар, соғломлаштириш муассасаларида дам олиш, санаторийларда даволаниш каби ва бошқа қулайликлардан фойдаланади. Давлат маблағлари ҳисобига ўз масштаби жиҳатидан мисли кўрилмаган ҳажмда уй-жой қурилиши амалга оширилмоқда.

Истеъмолнинг ижтимоий фондлари қанчалик катта аҳамиятга эга бўлмасин, партия коммунизм қурилишининг ҳозирги босқичида иш ҳақини ошириш ишчи ва хизматчилар фаровонлигини юксалтиришнинг энг муҳим манбаи деб ҳисобламоқда. Сўнгги йиллар мобайнида СССРда саноатда, қурилишда, транспортда, давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида иш ҳақини тартибга солиш ва ошириш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 50 миллиондан ортиқ ишчи-хизматчилар иш ҳақини янгича шароитда олишга кўчирилди. Эндиликда экономикани ривожлантиришда эришилган янги муваффақиятлар туфайли бевосита ишлаб чиқариш сферасида ишламайдиган миллионлаб меҳнаткашларнинг иш ҳақини ошириш имконияти яратилди. Партия ва ҳукуматимиз иш ҳақини тартибга солиш ва ошириш юзасидан ўтказаётган барча тадбирларида ленинча моддий манфаатдорлик принципига амал қилмоқда. Шу билан бирга нисбатан кам маош оладиган меҳнаткашлар категориясининг иш ҳақини мунтазам равишда ошириб бориш, ҳар хил категориядаги ходимларга ҳақ тўлаш ўртасидаги ҳаддан ташқари узилишни қисқартириш йўли тутилмоқда.

* * *

ЛЕНИН социалистик экономикани яратишнинг илк даврларидаёқ мамлакатимизда хўжалик вазифаларининг ҳал этилиши катта халқаро аҳамиятга эга, Советлар мамлакати ўзининг хўжаликдаги муваффақиятлари билан жаҳон революцион жараёнига асосий таъсирни ўтказади, деган эди. Ленининг бу сўзларидан Хитой догматикларига ўхшаб, экономика ва сиёсатни, экономика ва идеологияни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринаётган кишилар марксизм-ленинизмдан қанчалик узоқ эканликлари яққол кўриниб турибди. Ҳақиқатан ҳам социализмнинг иқтисодий муваффақиятлари катта сиёсий аҳамиятга эгадир ва у давримизнинг идеология курашида муҳим роль ўйнайди. Хўжалик қурилиши — коммунизм учун курашнинг асосий соҳасидир.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш йилдан-йилга ривожлантириб борилмаса, йилдан-йилга халқнинг турмуш шароити яхшиланмаса коммунизм қурилиши тўғрисида ўйлаш ҳам мумкин эмас. Халқларга амалда, реал мисолларда социалистик тузумнинг ҳал қилувчи афзалликлари кўрсатилмас экан, бутун дунёда коммунистик ғоялар таъсирининг ўсиши тўғрисида бош қотиришнинг ҳожати йўқ. Социализм кенг халқ оммаси турмушини яхшилаш учун ўзининг бой имкониятларини бор бўйича кўрсатган тақдирдагина халқаро майдонда социалистик мамлакатларнинг обрўси ошади, социалистик тузумга ихлосмандлар сафи ортади, бошқа мамлакатлар халқларининг социализм йўлидан боришга бўлган ишончлари мустаҳкамланади.

Совет халқи коммунизм моддий техника базасини ярата бориб, мамлакатнинг қудратли ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириб, шу асосда халқ фаровонлигини тўхтовсиз юксалтириш билан фақат ўз ички вазифаларини ҳал этаётгани йўқ, бинобарин у бутун дунё меҳнаткашлари олдида ўзининг юксак интернационал бурчини ҳам бажармоқда.

ПРОПАГАНДИСТЛАР КУРСИ

Республика партия ташкилотлари партия маорифи шохобчасида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриб, пропагандист кадрларнинг ғоявий-назарий савияси ва маҳоратини янада ошириш учун ёзги мавсумдан фойдаланмоқдалар. Бу йил пропагандист кадрларни қайта тайёрлаш соҳасида кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Партия комитетлари қузурида ташкил қилинган курсларда 20 мингдан кўпроқ пропагандист ўз билимини оширмоқда.

Социалистик саноат корхоналари экономикасини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши экономикаси ва уни ташкил қилишни, КПСС тарихини ва марксча-ленинча фалсафани ўрганиш бўйича назарий семинарларнинг раҳбарларидан икки минг киши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида ташкил қилинган курсларда машғулотларга қатнашмоқда.

Машғулотларни олимлар, раҳбар партия ва совет ходимлари ўтказмоқдалар. Иқтисод фанлари доктори О. М. Аминов «Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш — коммунизм қурилишида асосий иқтисодий вазифа» деган темада лекция ўқиди. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси ва уни ташкил қилиш илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари Т. Тиллаев коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришда социалистик қишлоқ хўжалиги қандай роль ўйнаётганлиги ҳақида, 1964—1970 йилларда Ўзбекистонда социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўллари ҳақида гапириб берди. Тошкент давлат университети КПСС тарихи кафедрасининг мудири И. Иброҳимов, «КПСС тарихи — марксча-ленинча фаннинг таркибий қисми» деган темада лекция ўқиди. (ЎзТАГ).

Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида турли миллат вакиллари билим олмоқда. Улар аҳил оила аъзоларидек бўлиб кетишган. Суратда: институтда таълим олаётган турли миллат вакилларидан бир группаси.

М. Нуриддинов фотоси.

АҲОЛИГА КИНО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Кино совет кишиларининг турмушига энг оммавий санъат сифатида чуқур сингиб кетди. У энг узоқ районларгача бориб етди. Республикамиз қишлоқларининг бугунги қиёфасини киносиз тасаввур қилиш қийин.

Ҳозир биргина областимизда 291 та киноустановка, 57 та кўчма кино қишлоқ аҳолисига хизмат қилаётир. Шу йилнинг олти ойи мобайнида областимиз киноэкранларида 28.800 сеанс намойиш этилиб, уларни 2260 минг киши келиб кўрди.

Колхоз ва совхозларда кинотеатрлар сони кўпайиб бораётир. Шу кунларда Чиноз, Пискент, Келес, Тўйтепа ва Янгибозорда кенг экранли кинотеатрлар қурилаяпти

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XIII Пленумида аҳолига қишлоқ жойларда кино кўрсатиш қониқарли аҳволда эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Ҳақиқатдан ҳам кўпгина жойларда аҳолига кино кўрсатиш шу кун талаблари даражасида эмас. Ўтган ярим йилликда область қишлоқларидаги давлат кино тармоқлари планда кўрсатилганидан 330 мингдан ортиқ томошабинга кино хизмати кўрсата олмади. Касаба союзлар кино тармоқлари ҳам план топшириқларини адо этмади.

Бу, аввало, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл ва Бўка районларидаги кино тармоқларига таллуқлидир. Бунинг сабаби шундаки, аввало, кино ходимлари йил бошиданоқ ишга енг шимариб киришмадилар, мавжуд имкониятларни тўла ишга солмадилар. Масалан, Юқори Чирчиқ бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоз ўзининг 300 ўринли кинотеатрига эга. Бир йил ичида киноустановка атиги 169 марта сеанс кўрсатди.

Айрим киномеханикларнинг ишга бепарволиги, кино кўрсатиш сифатининг ёмонлиги ҳам кишиларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир. Бундан ташқари кино ходимлари халқ маорифи органлари, комсомол ташкилотлари билан кўпинча бамаслаҳат иш тутишмайди.

Аҳоли кўп яшайдиган айрим пунктларда фильмларни намойиш қиладиган жойлар йўқ. Бу ҳам кино хизматини яхши йўлга қўйишга халақит беради. Чунончи, Бўка бошқармасидаги тўққизта колхозда бундай жойлар йўқ. Ҳолбуки, бу хўжаликларда 28 мингдан ортиқ киши яшайди.

Ўтган йили қишлоқ область партия комитети ва область ижроия комитети 1963-1965 йиллар ичида кино установка тармоқларини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Қишлоқларда ҳар бири 200-250 ўринга мўлжалланган ёзги кинотеатр майдончаларини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Ўтган йили ва шу йилнинг биринчи ярмида колхозларда 73 та ана шундай майдонча қуриш планлаштирилган эди. Бироқ, шу кунга қадар атиги 12 та кинотеатр майдончаси қуриб битказилди. Бўка, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районларида бу ишга ҳали киришилганича йўқ. Калинин районида эса 15 та ўрнига атиги 2 та майдонча ташкил этилди, холос.

Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Ленин йўли» колхозида яхшигина кинозал бор. Борликка-ку бор-а, аммо у кўпинча фойдаланилмай бўш ётади. Ўтган йилнинг декабрь ойидан то шу йилнинг март ойигача колхоз қишки кинотеатрида фильмлар «томошабинлар йўқ» деган баҳона билан деярли намойиш қилинмади. Бунда колхоз раҳбарлари ҳам айблидирлар. Улар кинотеатр ишини яхшилаш ҳақида ҳеч қайғирмаётирлар. Бундай мисолларни областимиздаги бошқа айрим хўжаликларда ҳам кўриш мумкин.

Қурилиш ташкилотлари ҳам кино томошабинлар олдида қарздор дирлар. Бу ташкилотлар қурилишни бошлашга бошлаб юборадилар-у, аммо уни тезроқ битказиш учун чинакам жон куйдирмайдилар. Бунга Чиноз, Пискент ва Янгибозордаги кинотеатрлар қурилишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу кинотеатрлар қурилиши ҳамон давом эттириляпти.

Кино тармоқлари аҳоли ўртасида ғоявий ва тарбиявий иш олиб боришнинг чинакам марказига айланиши лозим. Кино хизматини намунали йўлга қўйиш ҳақида, аввало, бу соҳа билан шуғулланувчи ташкилотлар, қолаверса маҳаллий партия, комсомол, хўжалик органлари раҳбарлари ғамхўрлик қилишлари даркор. Кино ходимларининг масъулиятини ҳам ошириш керак.

Б. КАИПОВ,

Тошкент область кинофикация бошқармасининг бошлиғи.

ЎҚУВЧИЛАР КУЧИ БИЛАН

Юқори Чирчиқ районидаги Ленин номли 11 йиллик мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари ремонт ишларини ўз қучлари билан бажаришга сўз берган эдилар. Таълимни меҳнат билан бир-бирига қўшиб олиб бораётган бу мактаб коллективи ен шимариб ишга киришди.

9—10-синф ўқувчиларидан тузилган ёш дурадгорлар бригадаси барча мебелларни, доска ва парталарни сифатли ремонтдан чиқарди. 20 га яқин парта яроқсиз бўлиб ётган эди. Қўли гул ёш дурадгорлар бу парталарни ремонтдан чиқардилар.

Бўёқчилик-сувоқчилик ихтисоси бўйича ҳунар олган ўқувчилар бригадаси эса 40 та синф хонасини суваб, оқладилар. Барча доска, парталар бўяб қўйилди.

Мактабдаги ремонт ишлари ўқувчилар ва ўқитувчилар қучи билан бажарилгани учун жуда кўп маблағни тежаб қолинди. Бу маблағлар ҳисобига мактабда қўшимча синф хоналари қурилди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

МАЪРИФАТ САРОЙИ

Комсомольская кўчаси, 6-уй. Бу адресни билмаган тошкентлик китоб дўстлари бўлмаса керак. Улар бу ерга тез-тез келиб туришади. Ҳар сафар янги бир китоб олиб кетишлари турган гап.

Ҳа, бу ихтисослаштирилган Китоб пассажи чиндан ҳам китобхонлар саройига айланган. Бу ерда кунига юзлаб китобхонларни учратиш мумкин. Китоб пассажи ходимларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар янги нашр этилган турли адабиётларни ўз вақтида келтириб, харидорларни хурсанд қилишади.

Обуна нашри бўлимини пассаждаги энг катта бўлим деса бўлади. Бу ерда кунда-кунора янгилик. Обуначи-китобхонлар бир сафар рус классиклари асарларининг янги нашрини олсалар, сал кун ўтмай яна бир севимли асар келтирилганлигининг шоҳиди бўлишади.

Яқиндагина Д. Бедний асарларининг биринчи томи обуначи китобхонларга тарқатилган эди. Орадан бир-икки ҳафта ўтар-ўтмас улар А. С. Пушкин, А. П. Чехов, Л. Н. Толстой каби севимли адиблар танланган асарларининг навбатдаги томларини олдилар.

«Педагогика энциклопедияси» ва «Қурилиш энциклопедияси» нашрларига ҳам жуда кўп киши обуна бўлган. Бўлим «Санъатнинг умумий тарихи», «Пионерлар қутубхонасига» серияси чиқарилаётган китобларни ҳам олиб турибди. Хуллас, истаган обуна нашрларини бу ердан олиб ўқиш мумкин.

Яна қандай нашрларга обуна бўлишни истасангиз бўлим прилавкалари устида турган адабиётлар рўйхати сизга ёрдам беради. Рўйхатга обуна нашрлари ҳақида қисқача изоҳлар ҳам илова қилинган.

Борди-ю, сиз бадиий адабиётлар обуна нашри билан қизиқиб қолдингиз. Жуда яхши! Бунинг учун «Совет романи 50 йил ичида» деган қутубхона рўйхатини кўздан кечиринг. Узингиз севган ёзувчиларнинг прозаик асарларини танлаб, уларга обуна бўласиз. Классик адабиётларни олиб ўқимоқчи бўлсангиз, бунинг учун ҳам алоҳида рўйхат тузиб қўйилган. Улар орасида М. Лермонтов, А. Толстой, М. Салтиков-Шчедрин асарларининг янги томлари ҳам бор.

Москвадаги «Знание» нашриёти жаҳон фани ютуқларига оид илмий асарларни босиб чиқарабошлади. Обуна нашри бўлими ана шу китоблар билан ҳам савдо қилаяпти. «Искусство» нашриёти «Тасвирий санъат мактаби» серияси дан бирнеча хил китоблар босиб чиқаришга киришди. Бу асарлар рўйхати билан шу бўлимда танишасиз.

Бу йил бўлим техника адабиётларига кўплаб обуна қабул қилди. Айниқса, «Материаллар конструкцияси», «Қисқача химия энциклопедияси», «Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва саноат электроникаси» каби китобларга қизиқиш катта.

Шунингдек, шу йилдан бошлаб техника хавфсизлигига оид плакатларга обуначар қилишга киришилди.

Ўзбек классик адабиёти муҳлислари ҳам хурсанд. Улар Алишер Навоий асарларининг 15 томлигини ҳам, Садриддин Айний асарларининг 8 томлигини ҳам шу ердан оладилар.

Обуна нашрларига ёзилаётган китобхонлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ихтисослаштирилган Китоб пассажи ходимлари эса китобхонларга сидқидилдан хизмат қилишяпти.

М. ТОШПЎЛАТОВА.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» бирлашган нашриёти қуйидаги брошюраларни босиб чиқарди

Х. СУЛАЙМОНОВА. **Дин-аёллар озодлиги душмани.** 30 бет, тиражи 16.820, баҳоси 6 тийин.

Музайяна АЛАВИЯ, **Одамийлик ҳақида.** 27 бет, тиражи 10.000, баҳоси 4 тийин.

З. ИНОМЖОНОВ. **СССР халқларининг қардошлик оиласида 40 йил.** 35 бет, тиражи 16.930, баҳоси 6 тийин.

Ш. ИБРОҲИМОВ. **Шўрҳоқ ерларнинг шўрларини ювиш.** 40 бет, тиражи 15.820, баҳоси 6 тийин.

Ш. МАРАСУЛОВ, К. ФЕДОРОВ. **Олдинги сафдагилар.** 30 бет, тиражи 14.930, баҳоси 6 тийин.

О. ИЎЛДОШЕВ, Ҳ. АРГИНБОЕВ. **Ярим ўтказгичлар.** 45 бет, тиражи 15.430, баҳоси 6 тийин.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ОЛОВЛИ КУЛЬТИВАТОРЛАРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

«Чирчиксельмаш» заводининг конвейеридан ўтган йили КО-2-4 маркали оловли культиваторларнинг дастлабки сериясидаги аппаратлар тушган эди. Бедапоялар, йўл ва пайкал чеккаларида ўсадиган энг зарарли бегона ўт — зарпечакка қарши оловли культиваторлар билан курашиш бошланганига икки йил бўлди.

Областимиздаги колхоз ва совхозларда оловли культиваторларни қўлланиш практикаси шуни кўрсатдики, далаларга олов билан ишлов берилиши карболинеумнинг 15 процентли эмульсияси билан ишлов берилишига нисбатан икки-уч баравар арзонга тушаркан ва жуда яхши самара бераркан. КО-2-4 аппарати қисқа вақт ичида мўл ҳосил қўриқчиларининг эътиборини ўзига жалб этди ва илғор хўжаликларда пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ишлатиладиган машиналар системасига дадил кириб борди.

Оловли культиваторни қўлланиш технологияси ҳали ишлаб чиқилмаган, фақат ўрганилаяпти, холос. Шунинг учун ҳам КО-2-4 аппаратидан фойдаланиш давомида агрономлар ва инженерларда айрим тушунмовчиликлар содир бўлаяпти. Улар бу машинадан мумкин қадар самаралироқ фойдаланиш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида бизнинг институтимизга бир қанча саволлар бермоқдалар. Мен бу мақолада ана шу саволларга жавоб бериб ўтмоқчиман.

Одатда экин майдонлари каттакатта бўладиган пахтакор ва галлакор хўжаликларда кунлик иш нормаси 4—5 гектарга етказилса ҳам бўлади. Ариқ бўйлари, йўл ва пайкал чеккаларидаги зарпечакни йўқотишда қўл горелкаларидан фойдаланишга тўғри келади. Бу сермеҳнат иш. Аппаратни уёқдан-буёққа кўтариб юриш керак. Шундай шароитда кунлик иш нормаси 1—1,25 гектар атрофида бўлиши керак.

Оловли культиваторда ишлаш енгил эмас. КО-2-4ни ишлатадиган ҳайдовчилар ва ёлланма ишчиларга химиявий ишлов бериш билан шуғулланадиган кишиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда қўлланиладиган ставкалар бўйича ҳақ тўланиши керак (ўнги VI разряд бўйича).

Бизнинг институтимизда ҳайдовчи 3 гектар ерга ишлов берганлиги учун 5 сўм ҳақ олади (иссиқ камера билан ишлаганида). Қўл горелкалари билан ишлаганида эса бир гектар ерга ишлов берганлиги учун 5 сўм ҳақ олади. Ёрдамчи ишчилар эса трактористлар оладиган ҳақнинг ярмини оладилар.

Бу машинани жуда иссиқ кунларда қандай қилиб ишлатиш керак? Оловли культиваторларнинг экипаж аъзолари меҳнатини енгиллаштириш учун ишлов бериш куннинг салқин тушган пайтларида ўтказилса яхши бўлади. Бизнинг институтимизда оловли культиватор эрталаб соат 7 дан 11 гача, кечқурун 5 дан 8 гача ишлайди. Бу тартибни колхоз ва совхозларга август ва сентябрь ойлари учун тавсия этишимиз мумкин.

Оловли культиватор конструкторларининг айтишларича, бу машина бедапоялардаги ва ариқ бўйлари, йўл, пайкал чеккаларидаги зарпечакни йўқотишда ишлатиш учун мўлжалланган. Лекин салкам икки йиллик тажриба шуни кўрсатдики, КО-2-4 аппарати бошқа ишларда қўлланилса ҳам яхши самара берар экан.

Сабзавотчилик хўжаликларининг пайкалларини бир кезиб чиқинг-а. Бу ерларда зарпечакни сабзи, лавлаги, картошка ва бошқа кўпгина экинлар экилган пайкалларда ҳам учратасиз. Ҳосил йиғим-терими олдидан бу пайкалларга оловли культиваторни киргизиб бўлмайди. Шунинг учун олов билан ишлов бериш ҳосил йиғим-теримидан сўнг зудлик билан ўтказилиши керак. Шундай қилинганида фақатгина зарпечак ва унинг уруғлари қирилиб кетмайди, балки ўсимликка шикаст етказадиган бошқа зараркунандалар ҳам қирилиб кетади. Масалан, энг зарарли ҳашорат — қарам куяси ҳам йўқ бўлиб кетади. Полиззорларда шира, ўргимчаккана ва шунга ўхшаш ҳашоратлар қирилади.

Сабзаботкор ўртоқлар шуни унутмасликлари керакки, ҳозир ана шундай катта аҳамиятга эга бўлган ишлов беришнинг вақти келди. Ишни карам ва картошка экилган пайкаллардан бошланг. Айниқса сабзи ва пиёз экилиши лозим бўлган ерларга жуда яхши ишлов берилиши керак. Чунки бу ерларда бир йиллик бегона ўтлар жуда кўп бўлади. КО-2-4 аппаратидан қўлланиш практикаси шуни кўрсатдики, олов таъсирида ана шу ўтларнинг уруғлари куйиб кул бўлиб кетади. Натижада ўсимликни чопиқ қилишга кетадиган сарф-харажатлар кўп қисқаради.

Оловли культиваторлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланилса, унинг ёрдамида ишлов берилган пайкалларда жуда яхши самарага эришилади.

И. СКВОРЦОВ,
сабзавот, картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институтининг илмий ходими, ўсимликларни ҳимоя қилиш аппаратларини синаш группасининг раҳбари.

Колхоз комсомол ташкилотининг секретари Нурмуҳаммад Ёндошев бригадаларда тез-тез бўлиб туради. Колхозчилар, комсомол-ёшлар ўртасида қизиқарли суҳбатлар ўтказиб боради. Суратларда: (чапда) ўртоқ Н. Ёндошев ва сифат инспектори И. Сариқов ўртоқлар 7-бригада ғўзаларини кўздан кечиришмоқда. Ўнгда шу бригаданинг илғор аъзолари Нортожи Саъдиева ва Насиба Азимовалар охирги картани чеканка қилишаяпти. Автор фотоси.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Ғўзага айни ишлов берилаётган ғанимат кунларда у касал бўлиб ётса-я. Ўйда ёш боласини қолдириб бирор иш билан кўчага чиқиб кетган она жонсарак бўлгани сингари, бригадир Холхўжа Пўлатов бетобланиб ётипти-ю, дардфикри ғўзада. «Нима бўлди экан, ғўзалар ўз вақтида суғорилятпти, чеканка қандай ўтаяпти...» — у шундай хаёллар билан ташвишланади ва тағин ўзига тасалли бериб кўяди: «Азамат йигит-қизларим менинг йўқлигимни билдиришмайди».

Бригадир даволаниб чиққач, уйига эмас, тўппа-тўғри ўз бригадасининг пахта майдонига келди. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Бел бўйи ўсган, кўсаклари сероб ғўзалар унинг руҳини кўтариб юборди.

— Ие, не, Холхўжамисиз? Тузалиб чиқдингизми? — сувчи Карим ака уни биринчи бўлиб қарши олди, ҳол-аҳвол сўрашди.

— Хўш ишлар қалай, бригадамиз орқада қолаётгани йўқми, бизнинг адаш бардамми? — сўради бригадир.

— Ишлар чаккимас. Сизнинг йўқлигингизни билдирмаяпмиз. Ҳозир ўташ, чеканка дегандек, охирги парвариш ишлари бораяпти. Бизлар бўлсак сувни ўз вақтида бериб турибмиз. Адашингиз Холхўжа, барака топкур, ишни эплаяпти, куни-туни далада. Ўғитларни ҳам вақтида олиб бериб турди.

— Энди доимий бригадир қилиб Холхўжанинг ўзини қолдирамиз. Ўзи ёш, коммунист, юрагида ўти бор, ишни бемалол эплаб кетади.

— Ие, сизчи? — сўради Карим ака ҳайрон бўлиб.

— Докторлар даволанасиз дейишяпти... — У шундай деди-ю, шийпонга қараб йўл олди. Қуёш тик тепага кўтарилиб, кун қизигандан—қизиб бораяпти, уфқдан уфққача ястаниб ётган кўм-кўк ғўзалар узра гўё қиём қайнарди. Худди шу пайт ўсиқ ғўзалар бўйлаб чеканка қилиб юрган йигитлар, хотин-қизлар бригадирни истиқболига йўл олишди. Бригаданинг сифат инспектори Йўлдош ака Сариқов, вақтинча бригадирлик қилаётган Холхўжа Улхўжаев, илғор комсомолдардан Насиба Азимова, Лачли Рамазонова, Ҳалима Қовунбоева ва бошқа аъзолар бригадирни ўраб олишди. Олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбат қизиб кетди. Бригадир ўзи кетаётганини билдириб, пахтадан мўл ҳосил олиш борасида йўл-йўриқлар кўрсатди, ўз ўрнига доимий бригадир қилиб Улхўжаевни тайинлашни тавсия этди.

Холхўжа Улхўжаев 7-бригадага бошлиқ қилиб сайланди.

Янги куч, янги ғайрат меҳнатда ҳамиша унумга унум, баракага барака кўшади. Колхозда йигирма йилдан бери кетмончи, сувчи, теримчи бўлиб ишлаб келган Холхўжа Улхўжаев ишга янги ғайрат билан киришди. Бригада аъзолари тўртинчи бригада билан мусобақалашиб, бу йил ҳар гектаридан 30 центнер «оқ олтин» кўтаришга қатъий бел боғлашди. Бригада бўйича 75 гектар пахта майдонининг 40 гектаридаги «оқ олтин»ни машина билан териб олишга тайёргарлик кўришяпти.

Кейинги ҳафталар ичида бригадада ғўза парвариши айниқса қизиб кетди. «Ғўзани, — дейди бригадир Улхўжаев, — авайлаб, меҳр билан ўстириш керак сал қарамай қўйдингми ютқазасан, ғўза касалга ҳам йўлиқади, ўт босиб ўсишдан тўхтайди, чаққаб гулини тўкади.

Улхўжаев дастлаб меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаб олди. Сувчиларни алоҳида звенога ажратиб унга тажрибали сувчи Акбархўжа Юсуповни бош қилиб қўйди. Комсомол-ёшлардан иборат 1-звенога эса, механизатор Нуриддин Муҳитов раҳбарлик қилаяпти. Бригаданинг сифат инспектори Йўлдош ака Сариқов назоратни кучайтириб юборди, у ғўза парвариши сифатидан ҳурсанд.

— Звеноларимиз паст ғўзаларни бўлиқ ғўзаларга етказиб олишда анча ишлар қилишди, — дейди фахрланиб Йўлдош ака ким билан суҳбатлашмасин, — минерал ва маҳаллий ўғитларни ўз вақтида бериб турдик, ҳашаротга қарши дори сеплик. Ўтга қарши қатъий курашдик. Бир куни бригадиримиз: «Киши соқолини ўз вақтида олдириб юрса қандай яхши. Ғўза ҳам шундай бўлиши керак» — деган эди. Шу-шу ғўзалар орасида, ҳатто ариқ бўйларида бир дона ўт кўрмайсиз. Сувчиларимизни айтмайсизми, Ўрин Файзиев, Зуҳур Муҳиддинов, Мўмин Худдиевлар ўсиқ ғўзалар орасидаги паст ғўзаларни усталик билан суғоришди, яъни қатор ораларининг биридан сувни оқизиб, паст ғўзаларга етгач, таратиб юборишди. Ўғит ҳам шу тарз алоҳида берилди. Оқибатда 12 гектар ердаги паст ўсган ғўзани бўлиқ ғўзаларга етказиб олдик.

Ҳосилга ҳосил қўшиш ойи — августнинг ҳозирги энг ғанимат кунларида гулни кўсакка, кўсакни ҳосилга айлантириш учун кураш авжига минди. Ҳозир бригада ғўзалари бешинчи марта культивация қилиниб, 2,5 марта озиқлантирилди. Ғўзалар охирги марта ўталди ва сўнгги чеканка қилиб бўлинди.

Энди энг муҳими сувчилар ғўзани суғоришга алоҳида эътибор беришяпти. «Сув ғўзанинг қони ҳам, жони ҳам» — дейди Акбар Юсупов сувчилар тажрибасидан гапириб, — Ғўзани кечалари суғораяпмиз, сувни ғўза қатор ораларига жилдиратиб, оқизяапмиз. Бунинг ҳосияти кўп. Негаки, сув, кўсаккача етиб, шонага етмай қолиши мумкин. Бунда сув ҳам тежаб сарфланади. Биз сувчилар бир нарсага одатланиб қолганмиз. Кечки суғоришдан олдин эрталаб эгатларни сув қўйишга тайёрлаб, ҳар эгатнинг бир метрча ичкарисига сув оқизиб яна тўхтатиб қўямиз. Шунда эгатлар оғзига сув сингиб бўш ер қотиб мустаҳкам бўлади. Кейин чим ётқизамиз, чим ҳам маҳкам ўрнашади, сув қўйилганда тагидан, ёнбошидан ўпириб кетмайди... Қидирсанг йўли топилавераркан. Хуллас эси-дардимиз ғўзани қондириб суғориш. Ғўза обдан сувга қонмагунча кўнглимиз тинчимайди.

Янгийўл бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида биргина бу 7-бригадада эмас, ҳамма бригадаларда ҳам ғўза парвариши ана шундай қизғин суръатда бораяпти. Барча бригадалар республикамиз ҳамда Ўзкомпартиянинг 40 йиллик тўйини мўл «оқ олтин» ҳосили етказиш билан кутиб олишга аҳд қилган.

К. МУҲАМЕДОВ.

СИЛОС БОСТИРИШ АВЖИДА

ЯНГИБОЗОР. (Телефон орқали олинди). Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги кўпчилик хўжаликларда маккажўхори ўрим-йиғими ва силос бостириш жадал суръатлар билан давом эттирилятпти. Машъал хўжалик «Политотдел» колхозининг аъзолари қисқа вақтда траншеяларга 4 минг тоннадан зиёд силос бостирдилар. «Правда», «Ўзбекистон», «Ленинский путь» колхозларининг чорвадорлари ички резервлардан самарали фойдаланиб, кунлик силос бостириш графигини анча ошириб бажармоқдалар.

Свердлов номли қишлоқ хўжалик артелида силос бостириш конвейер усулда олиб борилятпти. Сўталик маккажўхори ўриб йиғилиб юк машиналарига ортилади, шу куннинг ўзидаёқ чорва моллар қишлайдиган жойларга келтирилиб майдаланади ва силосхонага бостирилади. Мутахассислар ва тажрибакорлар силоснинг сифатли бостирилиши устидан назорат олиб бормоқдалар. Хўжаликда шу кунга қадар 5 минг тонна маккажўхори силоси бостирилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тенгма-тенг кўпдир.

Ишлаб чиқариш бошқармаси силос бостириш илғорларининг иш тажрибасини кенг ёйиш мақсадида жойларга 30 дан ортиқ мутахассис юборди. Улар меҳнатни ташкил қилиш, ем-хашак тайёрлашни силос бостириш билан боғлаб олиб бориш, чорва биноларини ремонтини тезлаштириш, қишловга тайёргарлик ишларини ташкил қилишда ёрдам бераётирлар.

Ўртоқ Т. Ризоев раислик қилаётган «Ленинобод» колхози емхашак тайёрлаш суръатини кучайтириш билан қисқа вақтда мавжуд сигирхона, қўйхона, отхона ва чўчқахоналарни ремонт қилиб бўлди. 2 минг тонна дагал хашак жамғарилиб, чорва моллар қишлайдиган жойларга ғарамлаб қўйилди. Ламмикор ерлардаги маккажўхори пайкалларининг ҳар гектаридан 400 центнер ва ундан зиёд сўталик маккажўхори ҳосили олинаяпти.

Бошқарма хўжаликларида маккажўхори ўрим-йиғими, силос бостириш ва чорва қишловига тайёргарлик ишлари ана шундай жадал давом эттирилятпти. Бу эса келгусида мўл-кўл гўшт, сут ва бошқа хил чорва маҳсулотларини янада кўпайтириш учун мустаҳкам замин демакдир.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

«Дўрмон» совхози чорвадорлари гўшт сотиш йиллик планини бажардилар. Улар давлатга ҳозиргача 121,1 центнер гўшт топширдилар.

Совхозда соғин сигирлардан ҳам кўплаб сут соғиб олиш учун кураш кетяпти. Ҳозиргача пландаги 1170 центнер сутнинг 800 центнерга яқини соғиб олинди. А. Алимсеитова, Е. Макушина каби сут соғувчилар олдинда бормоқдалар.

И. РУСТАМОВ.

КАПИТАНЛАР

У тонг билан туриб,
юрар водийга,
Бошоқлар бош эгиб,
беради салом.
Кун ҳам тушиб келар
тоғдан олдига,
Бугун ҳам биргамиз,
дейди: Ассалом!
Атрофдан ер қутлар поя
қадамин,
Карвон-карвон олтин хирмони
билан,
Уни қутлар зарга тенглаб
ёрдамин,
Тўкин дастурхонда ширмони
билан.

Ер тўлишиб,
кулиб боқар йўлига,
Ҳар қадами маъмурчилик,
барака.
Ер жилваси хуштор экан
қўлига,
Ундан экан элдаги тўй,
маърака.
Тўлиб турган,
кулиб турган
ҳар чаноқ,
Жўяклардан минг товланиб
оққан сув,
Қўшни томга палак ёйган
ошқовоқ,

Бари ундан очар суҳбатда
мавзу.
Эл ҳурматлар «капитан» деб
отини,
Ер жиловин олмиш азим
қўлига.
Гижинглатиб,
минса пўлат отини.
Гул тўшармиш боғлар унинг
йўлига.
Қойил эмиш мўъжизакор
рулига.
У шундай зот,
чўллар унинг измида,
Сахроларни ясантирган
соҳибкор,

Ер бойлиги,
эл бойлиги сўзида,
Йўлларида йўлдошидир
гулбаҳор.
Капитанлар хизматидан эл
мамнун,
Чўллар қувган марди
майдонлар улар,
Далаларни ясантирар туну кун,
Элни маъмур этган карвонлар
улар,
Қўллари гул асл деҳқонлар
улар!

НАЗАРМАТ,

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Куйбишев номли колхозининг Абдурахмон Рамазонов бошлиқ звено миришкорлари давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан зиммага олган мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида биринчи бўлиб рапорт бердилар. Шу кунгача шаҳар меҳнаткашларига кўплаб тонна помидор ва бодринг ҳосили жўнатилди. Суратда: звено аъзоси Муҳаббат Мирсаидова ўзи терган помидорларни яшикларга жойламоқда.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХАТЛАРГА ОБЗОР

ҲОСИЛ ТЎПЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пахта далаларида меҳнат тобора авжига чиқмоқда. Озиқлантириш, суғориш, культивация сингари агротехника тадбирларини бир-бирига боғлаб ўтказиб, ҳар туп ғўзанинг мўл ҳосил тўплаши учун жон куйдирган деҳқонлар шу кунларда янада ғайрат қилмоқдалар. Улар август ойи ҳосилга ҳосил қўшиш ойи эканлигини ҳисобга олиб иш юритмоқдалар. Ғўза парвариши йиғим-теримга тайёргарлик билан боғлаб олиб борилмоқда. Газетхонлар ана шулар ҳақида хабар ва мақолалар ёзиб юбормоқдалар.

Машъал Оққўрғон бошқармасининг пахтакорлари бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермаслик учун астойдил меҳнат қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Мана, 1-«Оққўрғон» совхозининг ўртоқ Э. Абенов бошлиқ бригадасининг даласи. Ғўза тупларида 7-8 тадан кўсак, кўплаб гул ва шона бор.

— Лекин,— дейди бригадир, — биз ҳозир тўпланган ҳосил билан қаноатланмаймиз,— 115 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан пахта топширишга аҳд қилган эканмиз, бу аҳднинг уддасидан чиқиш учун ҳали анчагина иш қилишимиз керак.

Хат автори **И. Норматов** бригадада механизация пахтакорларнинг оғирини енгил қилаётганлигини алоҳида қайд қилади. Ботирали Қорабоев, Саноқул Айнақулов сингари механизаторлар бошлиқ звеноларнинг айниқса намунали ишламоқдалар.

Калинин номли колхозидан **С. Чегабоев**, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Димитров номли колхозидан **С. Бектоев, Р. Анорбоев**, Войтинцев номли колхозидан **А. Маъдниев**, «Ленинобод» колхозидан **Н. Тўфонов**, Ҳамид Олимжон номли колхозидан **Х. Аҳмедов** ўртоқлар йўллаган хабарларнинг мазмуни ва мақсади ҳам битта: илғор пахтакорлар ҳар соат, ҳар минутни ғанимат билиб мўл ҳосил тўплашни давом эттирмоқдалар.

Янгийўлдаги «Ленинград» колхози аъзолари бу йил 850 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ана шу ҳақда хабар ёзиб юборган **Т. Имомов** колхоз миришкорларининг шу кеча-кундузлари ишлари ҳақида ижобий мисолларни келтиради. Колхознинг Эркин Ёрқулов, Амир Омонқулов, Нарзиқул Бўрибоев, Исоқжон Қурбонов, Иззатилла Хўжакелдиев бошлиқ 30 центнерчи бригадалари мўл ҳосил учун курашнинг пешқадамлари ҳисобланадилар.

Ҳаваскор мухбирлар **Азимжон Мадраҳимов** ва **Эркин Маъдиевларнинг** шу бошқармадаги Свердлов номли колхозидаги, Ленин номли 1-сон ўнбир йиллик ўрта мактаб ўқувчиларининг ишлаб чиқариш бригадасидан ёзиб юборган репортажларида ёш пахтакорларнинг ғайрат ва шижоати мадҳ қилинади. **И. Маҳкамов, Т. Эрматов, И. Ўринбоев** сингари қишлоқ мухбирлари ҳам бошқарманинг хўжаликларидаги пешқадам колхозларда ғўза парвариши қизғин давом этаётганлигини хабар қиладилар.

Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Гулистон» колхози аъзолари,— деб хабар қиладилар **Холмат Норматов**,— республикамизнинг юбилейини 1830 тонна пахта топшириш юзасидан белгиланган планни бажариш билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса К. Алиев, Б. Ҳамроқулов, Ф. Бадалов бошлиқ бригадаларда иш қизғин борятпти. **О. Носировнинг** «Мўл ҳосил учун» сарлавҳали хабари ҳам Бўка бошқармасидан ёзилган бўлиб, унда Калинин номли колхознинг коммунист-механизатор Ўринбой Худойберднев бошлиқ бригадаси аъзоларининг фидокорона меҳнати тасвирланади.

«Ҳосил пойдевори», «Ўқувчиларнинг пахта даласида», «Пахтакорлар меҳнати — агитатор суҳбатида», «Кўк олтин» ихлосмандлари», «Пахтазорда», «Сувчилар меҳнати», «Механизаторлар звеносида» сарлавҳали хабарлар ҳам сувчилар, механизаторлар, химизаторлар ҳақидаги фактларга бой. Хат авторлари **Э. Исоқов, Э. Довутбеков, М. Назирбоев** ўртоқлар механизациялашган звеноларнинг мўл ҳосил етиштиришда етакчилик қилаётганликларини қувонч билан қайд қиладилар. Бу соҳада, айниқса, Свердлов номли, «Политотдел», Жданов номли колхозларда олиб борилаётган ишлар диққатга ва мақтовга сазовордир. «Ўзбекистон» колхозининг миришкорлари эса асосий экин ҳисобланган канопдан мўл ҳосил олиш учун барча чораларни амалга оширдилар. Бугунги кунда колхоз далаларида каноп ўриш ва унинг поясини шилиш бошлаб юборилади.

Газетхонлардан **М. Каримов, Ш. Холмуҳамедов, И. Ўринбоев, Т. Исломбоева, Т. Солиев, А. Эгамқулов, С. Мирзалиев** ўртоқларнинг область колхозлари ва совхозларидан ёзиб юборган хабарларида қишлоқ меҳнаткашларининг мўл ҳосил тўплаш йўлидаги фидокорона ишлари ҳикоя қилинган. Пахтакор ҳам, сабзавоткор ҳам, лубкор ҳам, чорвадор ҳам, хуллас ҳар бир касб эгаси бир мақсад йўлида — коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш йўлида қўлни-қўлга бериб ҳамкорликда меҳнат қилмоқдалар. Кенг пахтазорларда мўл ҳосил учун кураш қизғин давом этмоқда.

Пойтахтимизга гастролга келган Ленин орденли Г. Камал номидаги татар давлат академик театри ўз томошаларини бошлаб юборди. Суратда: театр артистларидан бир группаси: (чапдан, биринчи қатор.да) РСФСР да хизмат нўрсатган артист Г. Камская, артист Г. Камало ва, Татаристон АССР да хизмат нўрсатган артистлар Г. Нигматуллина, Р. Зиганшина, А. Фатхуллин, (иккинчи қаторда) Д. Илёсов ва дирижёр А. Абдуллин ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

СПОРТ ОЛАМИДА

ДОПИНГ ВА „АНТИДОПИНГ“

Кўпгина ғарб мамлакатларининг спорт жамоатчилиги допинга қарши тобора қатъийроқ курашмоқдалар. Францияда допинга қарши махсус қонун қабул қилинган. Швейцарияда наркотик нарсалар ишлатувчи спортчиларни кескин қоралаган врачлар конгресси бўлиб ўтди. Италия футбол союзи шундай қарор қилди: биринчи лигадаги командаларнинг ҳар бир учрашувидан сўнг хоҳлаган беш футболчини чуқур текшириб кўрилади — улардан қон анализи, сўлақ анализи олинади.

Лекин француз газетаси «Экип»нинг ёзишича, допинга қарши кураш жиддий қаршиликка учрамоқда. Италия клубларининг раҳбарлари, масалан, футбол союзининг қароридан ўзларига тегишли хулоса чиқардилар. «Уларнинг айтишича,— деб маълум қилади «Экип»,— организмда наркотиқларнинг ҳар қандай изларини тамомила йўқ қилиб юборадиган махсус пилюлалар —«антидопинг» топганлар».

ҒАЛАТИ РЕКОРДЛАР

Ғарбда жуда ғалати рекордлар қўйишни давом эттирмоқдалар. Яқинда Англияда чиқадиган «Пипл» газетаси «Эр-хотинликка сакраш» сарлавҳали мақолада қуйидагиларни билдирди: «Англиялик спортчи-парашютчилар Патриция Кристи ва Элвин Лоунсбери 1650 метр баландликда ниноҳдан ўтдилар. Маросим тамом бўлгач, келин ва нуёв қўлтиқлашиб самолетдан сакраб тушдилар. Ердан 650 метр баландликда улар парашютларни очдилар. Келин оқ комбинезон, куёв эса франка ўхшаган комбинезон кийиб олган эди».

Худди шу кунларда Филадельфияда (АҚШ) бошқача тўй бўлди. Сувостида сузиш ишқибози Клотц ва сузувчи Эстель Мейл снафандларда юз метрдан ортиқроқ чуқурликка тушдилар. Поп уларга сув ости телефони орқали одатдаги саволлар ва табрик нутқи билан мурожаат қилди. Сўнгра келин ва куёв бир-бирларига шлемларини тегиздилар. Бу биринчи бўсани ифода қиларди. Шу билан никоҳ маросими тугади.

АЛЬТАФИНИНИНГ БАҲОСИ НЕЧА ПУЛ?

Бир вақтлар «ФК Сантос» Бразилия клуби Европага ўйинчиларини сотар ва бу билан ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмас эди. Энди бўлса «Сантос»нинг ўзи (унда ҳозир машҳур Пеле ўйнайди) харидор ролини бажаришга мажбур бўлди. Бразилия клубининг маъмурияти миланлик футбол юлдузи Хосе Альтафинини сотиб олиш истагини билдирди. Альтафини 1958 йилда жаҳон чемпиони номини қўлга киритган Бразилия командасида ўйнаган эди. Милан клубининг вице-президенти Рома журналистларга шуни маълум қилдики, «Сантос» Альтафини учун катта пул бермоқчи.

Миланлик чайқовчилар қандай иш тутдилар денг? Улар ҳужжатларнинг нархини ошириб, аввалига роса тортишдилар. Сўнгра футболчининг баҳоси юз миллион лирдан ошиб кетганда улар умуман Альтафинини сотиш ниятлари йўқ эканлигини билдирдилар. Лекин уни... Пелега алмаштиришга рози бўлганликларини айтдилар. Бу хабар Бразилияда шовшувга сабаб бўлди. «Табиийки, Пеленинг сотилиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, — шошилинч равишда ишқибозларни ишонтирмоқчи бўлди «Сантос»нинг вакили.— Альтафини гарчи юз миллион лир баҳоланаётган бўлса ҳам битта Пелемизга алишмаймиз».

Шу билан савдо-сотиқ тамом бўлгандир, деб ўйларсиз?

Ҳеч ҳам-да. «Сантос» Пеленинг ўрнига бошқа бир ўйинчини бермоқчи.

(АПН).

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

КОММУНИСТ-ШОИР

Бундан 20 йил муқаддам фашист тюрьмасида ажойиб совет шоири, ватанпарвар коммунист Муса Жалил гитлерчи жаллодлар қўлида ҳалок бўлган эди. Совет кишисига, янги замонда тарбияланган инсонга хос бўлган энг юксак фазилатларни ўзида мужассамлантирган жангчи шоир ўзининг қисқа, аммо қаҳрамонликдан иборат ҳаётини халқ озодлиги ва бахти учун курашдек буюк ишга бағишлади.

Муса Жалил (Залилов Муса Мустафович) 1906 йил 15 (2) февралда Оренбург губернасининг Мустафино қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келади. У 1919 йилда оқ гвардиячилар қуршаб олган Оренбургда комсомол сафига ўтади. Муса Жалил ўсмирлик йилларидаёқ адабиёт билан қизиқади. У дастлабки шеърларини 1916 йилдан ёзабошлаган.

Партия ташкилотининг топшириғи билан Муса Жалил 1920 йилда ўз қишлоғида комсомол ячейкаси ташкил этиб, унга секретарлик қилади. Кейинчалик волость комсомол комитети аъзолигига сайланади. Ўша йилларда шижоатли комсомол қулоқ бандаларига қарши курашда актив қатнашади. Муса Жалил ҳарбий-партия мактабида, Оренбург шаҳридаги Татаристон халқ маорифи институтида, Қозон татар рабфакида таълим олади. У 1927 йилда Москва университетининг адабиёт факультетига ўқишга киради ва уни 1931 йилда тамомлайди. Шоир студентлик даврида, 1929 йилда КПСС сафига киради.

Шоирнинг биринчи шеърлар китоби — «Борамиз» тўплами 1925 йилда босилиб чиқади. 1929 йилда эса «Ўртоғимга» номли иккинчи шеърлар тўплами нашр этилади. Шундан сўнг шоирнинг мухлислари «Ёш худосизлар», «Орденли миллионлар», «Танланган асарлар» номли тўпламларини ўқийдилар. Унинг рус тилидаги биринчи шеърлар тўплами 1935 йилда Москвада босилиб чиқади.

Муса Жалил 1935 йилда Москва Давлат консерваторияси ҳузуридаги татар опера студиясининг адабий қисмига раҳбар этиб тайинланади. 1938 йилда эса у Қозонга келиб, янги татар опера театрини ташкил этади. Шу йиллари у «Евгений Онегин», «Фауст» операларни либреттосини татар тилига таржима қилади, «Олтин соч» ва «Элдор» номли миллий операларнинг либреттосини яратади.

Муса Жалил ўзининг дастлабки шеърларида ёш совет республикаси жангчиларининг қаҳрамонликларини куйлаб, ёшларни Совет Армияси сафларига чорлади. Шоир, публицист, адабиётшунос ва таржимон Муса Жалил тинч қурилиш йилларида ёзган шеърлари, поэмалари ва пьесаларида совет кишиларининг меҳнат қаҳрамонликларини, янги ҳаёт қуришда актив қатнашаётган комсомоллар жасоратини, табиат гўзаллиги ва Октябрдан бахт топган кишилар қувончини куйлайди.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидаёқ ватанпарвар шоир армия сафига жўнаб кетади. У Волхов фронтида сиёсий раҳбар вазифасини бажариб, катта тарбиявий иш олиб боради, жўшқин мисрали шеърлар яратади. 1942 йилнинг июнида жангларнинг бирида оғир ярадор бўлган Муса Жалилни душман асир олади. Букилмас иродали коммунист фашист тутқунлигининг ҳамма азоб уқубатларини мардонавор енгади. У жаллодларга бўйсунмай, ўлимга маҳкум этилганида ҳам ҳаёт ва озодликка муҳаббат ҳислари билан тўлиб-тошган ажойиб шеърлар яратади. Шоир шу билан бирга концентрацион лагерда асирлар орасида катта сиёсий иш олиб боради. Бир сотқиннинг хиёнати билан Муса Жалил лагердаги бу ишлари учун Берлиннинг Моабит тюрьмасига ташланади ва ўлимга ҳукм этилади. 1944 йил 25 августда Плетцензск тюрьмасида фашист жаллодлари Муса Жалилни ўлдирадилар.

1946 йилда собиқ ҳарбий асир Н. Терегулов Татаристон ёзувчилар союзига Муса Жалил шеърлари билан тўла кичик бир блокнотни топширади. Шеърлар ёзилган иккинчи блокнотни сақлаб қолган антифашист Андре Тиммерманс уни 1947 йилда совет элчихонасига топширади. Ана шу блокнотлардаги шеърлар асосида тузилган «Моабит дафтари» тўплами жуда тезлик билан бутун дунё китобхонлари орасида машҳур бўлиб кетди. Шу тўплам 1957 йилда Ленин мукофотига сазовор бўлди. СССР Олий Совети Президиуми коммунист шоирга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берди.

Ҳаётининг сўнгги кунларида Муса Жалил ёзиб қолдирган асарлар, умуман унинг бутун ижоди кишиларимизни халққа садоқат ва она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Пойтахтнинг Киров районида кичкинтойлар учун «Юлдузча» номли болалар комбинати қуриб, фойдаланишга топширилди. Унда «Валида» фирмаси ҳузуридаги тикувчилик фабрикаси ишчиларининг фарзандлари тарбияланади.

Комбинат 220 болага мўлжалланган. Бу ерда кичкинтойлар учун ҳамма шароитлар яратилган.

Ҳар бир группа алоҳида ётоқ, ўйин хонаси ва иссиқ душ билан таъминланган. Ҳовлида ёзги дам олиш айвони ва турли хил каруселлар бор. Коллективнинг кучи билан комбинат ҳовлисида хиёбон ташкил этилди.

Бу ерда тарбияланаётган қувноқларнинг ўйин-кулгилари авжида. Тарбиячилардан Раиса Сапожкова, Мария Межиковская, Антонина Пешкова, Мария Юктерлар ўз группаларида турли ўйин ва машғулотлар ўтказиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Бундан ташқари фирманинг Чирчиқдаги филиалида ҳам болалар комбинати ишлаб турибди. Чуқурсойда эса 140 ўринли болалар комбинати қуришга киришилди.

Э. ТУЛАГАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ФАРЗАНД ҚУВОНЧИ

Бугун «Бахт уйи» меҳмонлар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Уларнинг қўлида гулдасталар ҳар хил совғалар. Улар бир кунда фарзанд кўрган ёш оналарни табриклашмоқчи. Мана олдинги столда бахтиёр Каттахўжаевлар оиласи. Уларнинг бугунги қувончи чексиз, чеҳраларидан табассум аримайди. Севинмай ҳам бўладими? Биринчи фарзанд кўришди, исмини Равшан қўйишди. Ҳозир Равшанжоннинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасини олишади. Улар ишлайдиган пахтачилик илмий-текшириш институтининг ходимлари ҳам ёш ота-онани табриклаш учун бу ерга келишган. Касбдошлар Каттахўжаевларни ўғилча билан қутлашди, чақалоққа аравача ва ўйинчоқлар ҳадя этишди.

Худди шу куни Каттахўжаевларга ўхшаш биринчи фарзанд кўрган ота-оналардан бир нечтаси шодиёна дамларни бошдан кечиришди. Уларни шаҳар Советининг депутати ўрток З. Туренко қизғин табриклади, ғўдакларига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда ҳамиша бардам бўлиб ўсишларини тилади. Чақалоқларнинг ҳаммасига туғилиш гувоҳномаси тақдим қилинди.

Бу ерда ёш оналар учун врачлар консультацияси уюштирилди. Врач Маҳбуба Нўъмонова болаларни қандай парвариш қилиш кераклиги ҳақида уларга консультациялар берди.

Пойтахтимиздаги «Бахт уйи»да ўтказилган янги туғилган болаларни ва уларнинг ота-онасини табриклаш маросими ҳаяжонли шодиёнага айланди.

Ф. УСМОНОВА.

Суратда: пахтачилик илмий текшириш институтининг ходимлари янги фарзанд кўрган И. ва Р. Каттахўжаевлар оиласини табриклашмоқда.

А. Мальцев фотоси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

25 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Бир хасис ва нувноқ поезд (болалар учун кўғирчоқ фильми), 18.25—Замондошимиз (журналист блокнотидан), 19.05 — Телевизион янгиликлар, 19.25—Тунги суҳбат (А. Сосин асари асосида телепостановка, 21.05 —Реклама ва эълонлар.

21.10 — Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида: 21.15 — Телевизион янгиликлар, 21.35—Москвалилар ташаббусини қўллаймиз (саноат ходимлари учун), 21.55—Она ер қўшиғи (Жуманиёз Жабборов поэмаси асосида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.10—Ғунча журнали саҳифаларида, 18.30—Тошкент янгиликлари, 18.40—Ҳужжатли фильм, 19.10 — Атом ядроси сирлари (илмий-оммабоп лекторий).

Рус тилида: 19.30—Тошкент янгиликлари, 20.40—Тинч океан бўйида (Владивосток телестудияси очерки), 21.05—Совет тасвирий санъати, 21.35—Аланга ва шоншараф қўйнида (ҳужжатли фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/VIII да Жизель, 26/VIII да Травиата.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/VIII да Биринчи муҳаббат, 26/VIII да Алишер Навоий.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/VIII да Икки билагузук.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Оқ карвон — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11-40 минут, кундуз 1 ярим ва 3-20 минутда).

Фронт болалари — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Ялангоч дипломат — НАВОИЙ номли (кундуз соат 5, кеч 6-40, 8-20 минут ва 10 да).

Почтальон эшик қоқди — «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Мени Кожа дейишади — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

«Ёшлик» альманахи (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 8 да). Фанфан-Тюльпан (кундуз 2, 4, кеч 6 ва 9-45 минутда) — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Командир арзандаси — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Барабанчининг тақдири (эрталаб соат 10 да), Насриддин Бухорода ва Насриддин саргузаштлари (кеч 10 да) — «МОСКВА».

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ярим ва 10-10 минутда) Соядан қочиш — «ОКТЯБРЬ».

Ишларинг қалай, йигитча? — «ВАТАН».

Оқ карвон — НАВОИЙ номли.

Командир арзандаси — «ФЕСТИВАЛЬ».

«Ёшлик» альманахи — КАФАНОВ номли, ТЕЛЬМАН номли.

Уч мушкетёр (1 ва 2-серия) — «УДАРНИК».

Бир стакан сув — 1 МАЙ номли.

Насриддин Бухорода ва Насриддин саргузаштлари — ПУШКИН номли.

30 АВГУСТДА ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДА 1964 йилги

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

БИЛЕТЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ БЎЛАДИ

Тиражда 8 та «Москвич» автомашинаси, 20 та «Планета» мотоцикли, 16 та пианино, 120 та холодильник ва ҳаммаси бўлиб 555.000 сўмлик 371676 та буюм ва пул ютуқлари ўйналади.

Лотерея билетларини сотиб олинг!

Тошкент область давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТОЛЬЯТТИНИНГ ЖАСАДИ ҚЎЙИЛГАН САМОЛЁТ РИМГА КЕЛДИ

РИМ, 22 август. (ТАСС). Махсус «ИЛ-18» самолети бугун Римга келди. Италия Коммунистик партиясининг марҳум бош секретари ўртоқ Пальмиро Тольяттининг жасади солинган тобут Италияга ана шу самолетда олиб келинди.

Бемор Пальмиро Тольятти билан бирга Қримда бўлган Италия Коммунистик партияси бош секретарининг ўринбосари Луиджи Лонго ва партия раҳбарлигининг аъзоси Леонильда Иотти ҳам шу самолетда Римга келдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Л. И. Брежнев ва КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Г. И. Поповлардан иборат Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг делегацияси улар билан бирга Римга келди.

ИТАЛИЯ МОТАМДА

РИМ, 22 август. ТАСС мухбири В. Гончаров хабар беради: Рим бугун ҳам одатдагича, — қуёш нур сочиб турибди, шаҳар гавжум, майдонларда юзлаб туристлар тўпланмоқда, шаҳар аҳолиси ўзининг одатдаги иши билан машғул. Лекин шаҳарнинг бугун ҳаётида бугун қандайдир янгилик пайдо бўлди. Автобусларга ва троллейбусларга тушиб, заводларга бораётган ишчиларнинг қўлларидаги газеталарда Пальмиро Тольяттининг вафот этганлиги катта қора ҳарфлар билан мотам ҳошияси ичида хабар берилган. Одамлар ташвишда қолганлиги қиёфаларидан кўриниб турибди. Италия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, «Унита» газетаси редакциясининг биноларида байроқлар энгаштириб қўйилган.

Тольяттининг вафоти тўғрисидаги хабар оғиздан-оғизга ўтиб, яшин тезлигида бутун Римга, бутун Италияга тарқалди.

Кеча кечқурунок Италия Коммунистик партиясининг қўпгина секцияларида мотам йиғилишлари бўлиб ўтди. Кўп заводлар ва фабрикаларда ишчилар мотам аломати қилиб, ишни бир оз вақт тўхтатиб турдилар. Милан, Ливорно, Латина, Салермо, Бари, Генуя, Пиза, Флоренция ва бошқа шаҳарларнинг меҳнат палаталари ўртоқ Тольятти хотирасини ҳурматлаб махсус манифестлар чиқардилар.

Сенат раиси, республика президенти вазифасини ижро этувчи Мердзагор, президент Сеньйнинг рафиқаси ва ўзи оғир бетоб бўлиб ётган президентнинг бутун оиласи Италия Коммунистик партияси раҳбарларига таъзия телеграммалари юбордилар. Уларнинг ҳаммаси Коммунистик партия раҳбарлигига чуқур дардкашлик изҳор қилдилар.

Ўртоқ Тольятти вафот этганлиги ҳақида радио хабар бериши билан, АНСА агентлиги Италиядаги кўзга кўринган сиёсий арбобларнинг — турли партиялар аъзоларининг баёнотларини эълон қила бошлади. Уларнинг кўплари П. Тольятти ҳаёт вақтида унинг фикрларига кўп жиҳатдан қўшилмаган бўлсалар ҳам, лекин бугун П. Тольяттининг мамлакат ҳаётида ўйнаган ролига юксак баҳо бермоқдалар. Сенат раиси, республика президенти вазифасини бажарувчи Мердзагор депутатлар палатаси раисига телеграмма юборди. Бу телеграммада Италия фашизмдан ва гитлерчилар оккупациясидан озод қилинганидан кейин, Италияни тиклаш ишига Пальмиро Тольятти қўшган ҳиссага юксак баҳо берилган. Депутатлар палатасининг раиси Буччарелли-Дуччи Италия Компартиясининг парламент группасига мактуб юбориб, Пальмиро Тольяттининг вафоти Италия парламентини атоқли арбобдан маҳрум этганлигини кўрсатиб ўтди.

Министрлар Советининг раиси Альдо Моро Тольяттининг вафот этганлигини эшитиб, Италия Коммунистик партиясининг раҳбарлигига телеграмма юборди. Телеграммада бундай дейилади: «Тольяттининг вафот этганлиги тўғрисидаги ачинарли хабар мени чуқур ларзага солди. Мен сизга сидқидил билан ўзимнинг таъзиямни йўллаб, ўз ҳукуматим номидан ва шахсан ўз номимдан шу оғир воқеа муносабати билан чуқур қайғумни изҳор қиламан».

БУХАРЕСТДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

БУХАРЕСТ, 23 август. (ТАСС). Руминия ишчи партияси Марказий Комитети, Руминия халқ Республикасининг Давлат кенгаши ва Министрлар Совети Руминия фашистлар зулмидан озод қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Бухарест яқинидаги Снагов деган дачада бугун кечқурун катта қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Руминия ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Георге Георгиу-Деж, Руминия ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ион Георге Маурер, Руминия ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, Руминия Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва ҳукуматининг аъзолари, масъул партия ва давлат ходимлари, фан ва маданият арбоблари ҳамда пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари қатнашдилар.

Меҳмонлар орасида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. И. Микоян бошлиқ совет партия-ҳукумат делегацияси, социалистик мамлакатлар партия-ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари ва аъзолари, чет эллардан келган жуда кўп меҳмонлар, Руминиядаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ва ходимлари бор эди.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ЛИСАЛА ШАҲРИ ҚЎЗРОЛОНЧИЛАР ҚЎЛИДА

ЛОНДОН, 23 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Леопольдвилдан хабар беради: Қўзғолончилар Ўрта Конго вилоятининг пойтахти Лисала шаҳрини ишғол қилдилар.

Чомбе ҳукумати Киву вилоятининг пойтахти Букаву шаҳрини қўзғолончилар қўлидан тортиб олмоқ учун ўзининг бутун кучини тўплаб турган бир вақтда, қўзғолончиларнинг отрядлари мамлакатнинг бошқа бир районида ҳукумат қўшинларига қутилмаган зарба бердилар. Шу билан бир вақтда, қўзғолончиларнинг отрядлари Конгодаги бошқа вилоятларнинг муҳим марказларига, жумладан, «Юнион миньер» ва Катангадаги бошқа чет эл монополияларининг мулкларига яқин бўлган Митваба шаҳрига (Юқори Катанга) яқинлашиб бораётганликлари хабар қилинмоқда.

Телетайп лентасидан

◆ Англиянинг миллатлар ҳамдўстлиги ва мустамлакалар ишлари министрлиги 1964 йил 21 сентябрда Мальта мустақил бўлажагини эълон қилди.

◆ Жазоир революцион суди тўрт жиноятчини ўлим жазосига ва бир жиноятчини умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. Уларнинг ҳаммаси давлатга қарши фаолиятда ҳамда террорчилик хуружларида қатнашганликда айбландилар.

◆ Японияданги «Мицубиси» компанияси кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқининг закази билан қурилган танкер сувга туширилди.

◆ Жала ёғиши натижасида тошиб кетган Жамна дарёси тўғонни бузиб кетиб, Деҳлига жуда яқин Шоҳдара районидаги катта майдонни сув босди. Қарийб юз минг киши зарар кўрди. Неча минглаб акр экинзорлар сув остида қолиб кетди.

◆ Ўтган йили Англия тош йўлларида 6922 киши ҳалок бўлган ва 350 мингга яқин киши яраланган.

(ТАСС).

ҚАРДОШ ПАРТИЯЛАРНИНГ ТАЪЗИЯЛАРИ

РИМ, 23 август. (ТАСС). Қардош коммунистик ва ишчи партиялар ўртоқ Пальмиро Тольятти вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдириб юборган жуда кўп хатлар бугун «Унита» газетасида эълон қилинди. Газетанинг бутун иловасини ишғол қилган бу хатлар Хитой Коммунистик партияси, Болгария Коммунистик партияси, Чехословакия Коммунистик партияси, Руминия Ишчи партияси, Германия Бирлашган социалистик партияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси, Куба Социалистик революция Бирлашган партияси, Цейлон, Корея, Чили, Япония компартиялари, ЭДА партияси, Болгария Ватан фронти ва бошқалар томонидан юборилган.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 25 АВГУСТ 1964 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Навоий кўчаси, 28уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 11822. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1826.